

Имом Нававийнинг навбатдаги «Арбаъин» ҳадислари суҳбати ўтказилди



16:30 / 18.12.2021 1936

Ҳафтанинг ҳар жума куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида Қуръон ҳофизи, имом ноиб Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид томонидан Имом Нававийнинг «Арбаъин» ҳадислари ўқиётганидан хабарингиз бор.

Кеча, 17 декабрь куни навбатдаги ҳадис суҳбати ташкил қилинди. Унда қуйидаги мавзулар ёритиб берилди:

01. Арбаъин асари бўйича санад;
02. Имом Нававийнинг Арбаъин асари муқаддимаси.

Асарнинг бошқа арбаъинлардан фарқи ҳақида кўплаб фазилатлар келтирилган. Улар орасида китобдаги ҳадисларнинг барчаси саҳиҳлиги, мавзулар бир хил эмас, турли хиллиги, шу билан бирга ўқиш ва ёдлаш учун осон ҳадислар жамланганлиги кўп мақталган.

Ушбу ҳафтада ҳам ҳадисга ихлосманд мухлисларимиз томонидан телеграм ботимизга жуда кўплаб изоҳлар, таклифлар, фикр-мулоҳазалар келди. Уларнинг баъзилари билан танишиб чиқсак. Изоҳлар имкон қадар таҳрир қилинмасдан ва ўзгартирилмаган ҳолда сиз азизларга ҳавола қилинади.

«Ассалому алайкум. Ёдланган ҳадисларни топшириш қачон ва нечта ҳадис ёдлагандан кейин бўлади», Икром Расулходжаев.

«Ассалому алайкум, мен алҳамдулиллаҳ раҳмат ҳадисини, арбаъин ҳадисини ва амаллар ниятларга кўради ҳадисларини арабчасини ҳам ўзбекчасини ҳам ёдлаб бўлдим, қолганларини иншаАллоҳ ёдлайман. Аллоҳ муваффақ қилсин сизларни, Ўзи рози бўлсин», Омонбой Асадуллаев.

«Ассалому алайкум. Аллоҳ рози бўлсин. Таклифим бор эди. Ҳилол нашрининг совға сертификати бор эди. Шу @onglifigr каналда ушбу хайрли тадбирлардан манфаатли билим олиб, (ўзбек тилида ҳам бўлади) ижоза олса, ютуқ сифатида канал обуначисига берсам бўладими?», Муҳаммад Зиёвуддин Рафиқов.

«Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Илтимосим бор эди. Дарслардаги тақдимот (презентация)ларни ҳам каналга жойласангизлар яхши бўлар эди. Агар имкон бўлса». Жавоҳир Абдухақимов.

«Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ! Имом Нававийнинг Арбаъин асарларини ўзбек ва араб тилидаги китоблари сотувда борми? Қаердан топсак бўлади?», Ширин Саидова.

«Дарсни соғиниб Аллоҳдан жума кунига, жума кунини устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қори домламизни дарсларига етказишини сўраймиз, Инша Аллоҳ етказсин. Ўзи фойдали, хайрли бўлишини насиб этсин... Сухбатларда айтиляпкан, ҳадисларни телеграм каналда, ёзмасини ҳам берилса, яхши бўлар эди. Уни қайтариб ёдлашимизга ва тарқатишимизга қулай бўлар эди, илтимос. Раҳмат», Рамзиддин.

Юқоридаги таклиф ва изоҳларга islom.uz ходимлари томонидан жавоблар бериб келинмоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким умматимга дин ишлари борасида 40 та ҳадисни муҳофаза қилиб берса, Аллоҳ уни фақиҳ ҳолда тирилтиради ва қиёмат куни мен унга шафоатчи ҳамда гувоҳ бўламан» деганлар.

Ҳа азизлар, ҳадисда келтирилган фазилатларга эга чиқишимиз учун барчамиз жидду-жаҳд қилишимиз лозим. Бундай фурсатни қўлдан бой бермайлик!

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом қилсин!